

## БАНКИРНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

9 нафар фуқаро келажакда тўй қилсак, ҳовли-жой қилсак, яхши кунимизга яраб қолар, дея орзу қилганди. Аммо уларнинг орзулари сароб бўлиб чиқди. Банкдагилар содда фуқароларни алдаб, топширган пулларини талон-торож қилишди.

3 бет



## «ОЛТИН МЎЙНА» ШИЙПОНИДАГИ ҚАТЛ

— Ука, Фарғона шаҳридаги Илҳом билан орамиздаги гапларни биласан. Мени тинч қўймаяпти. Ундан қутулишим керак...

10 бет


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 29-may, № 22 (595)


# ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

**Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон Республикасида мустақил демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ғоялари ва бевосита ташаббуси асосида ҳамда раҳбарлигида босқичма-босқич амалга оширилаётган, жамият ва давлат ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган ислоҳотлар ва либераллаштириш жараёни мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини белгилаб берди.**


**Рашитжон ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори**


Бу жараёнда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга, шу жумладан, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш, шунингдек, асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан иборат бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимни либераллаштириш масалаларига алоҳида ўрин ажратилган эди.

2001 йил 29 августда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг энг муҳим босқичларидан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган мазкур Қонуннинг муболағасиз ғоят катта аҳамияти ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилган, қатор илмий ишлар қилинган, конференциялар ва учрашувлар ўтказилган. Бундан мақсад – қонунни қабул қилишда айрим ҳуқуқшуносларнинг жиноий жазолар либераллаштирилиши жиноятчиликка қарши курашишда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши ҳамда жиноятларнинг сонини кескин ошириб юбориши мумкинлиги ҳақидаги хавотирларининг ўринсиз ва асоссизлигини яққол кўрсатишдан иборат эди.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг либераллаштирилиши муносабати билан охирги беш йил давомида мамлакатимизда содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг сони йилига ўртача 18 мингтани ташкил қилди. Айни пайтда, биргина 2000 йилда бундай жиноятлар сони 42 фоизга кўп, яъни 31 мингтадан иборат бўлган.

Ярашув институти қоидаларини қўллаш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2002-2007 йиллар мобайнида жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан 57 минг нафардан ортиқ жиноят содир этган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари кескин камайди. Жиноий жазолар либераллаштирилгунга қадар, масалан, 2000 йилда жиноят содир қилган 31 минг нафардан ортиқ шахс ёки ҳар иккинчи айбланувчи дастлабки тергов даврида қамоққа олиниб, судланганларнинг деярли ярмига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланган бўлса, 2007 йилда фақат 13 минг нафар шахс ёки ҳар бешинчи айбланувчи қамоққа олинган. Судланганларнинг 70 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган.

Қонуннинг моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги талабини тушунтириш борасида олиб борилган кенг қамровли ишлар зарарнинг қопланиш даражасининг жиддий ошишига имкон берди. Охирги беш йил давомида прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов давомида 435 млрд. сўмлик зарар ёки умумий аниқланган зарарнинг 78 фоизи айбдорлар томонидан қопланиши таъминланган.

Либераллаштириш сиёсатининг самарадорлиги жиноий жазолар тизимини янада енгиллаштириш мумкинлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йилнинг 1 августида имзоланган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда 2005 йилнинг 8 августида имзоланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлар суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур фармонлар асосида «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ишлаб чиқилиб, 2007 йил 11 июлда қабул қилинди.

Ушбу қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун барча ташкилий-тайёргарлик ва тушунтириш ишларини амалга оширишга анча узоқ муддат ажратилди. Бу борада қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиб, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикри инобатга олинди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар шуни кўрсатдики, кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида ўлим жазосининг тарафдорлари сезиларли даражада камайиб, мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (90 фоиз) давлат раҳбарининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақидаги қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

2008 йилнинг 1 январидан янги қонунлар кучга кириб, амалиётда қўлланила бошлади. Шунда ҳақли бир савол туғилиши мумкин: ҳозирги кунда мазкур қонунлар қандай ишлаяпти, кутилган натижаларга эришилдими-йўқми?

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ҳозирда қонунлар тўлиқ ҳажмда ишламоқда ва уларни қўллаш борасида деярли муаммолар мавжуд эмас. Масалан, 2008 йилнинг 1-чорагида прокурорларнинг илтимосномалари асосида судлар томонидан 3.272 нафар айбланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилди, айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳақидаги 10 та илтимосинома қаноатлантирилди.

Судлар томонидан прокурорларнинг қамоққа олишга санкция бериш ҳақидаги илтимосномаларини рад этиш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, бу янги қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилишини тасдиқловчи ҳолдир.

Таъкидлаш жоизки, қайд этилган қонунларнинг қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни якунланмади. Аксинча, бизнинг олдимизда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб масалалар турибди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини самарали таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва соддалаштириш, ундаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилган қатор янги қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши бунинг яққол исботидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрдаги Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексининг 332 ва 351-моддаларига киритилган ўзгартишлар жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишда дастлабки тергов муддатларини ҳисоблашнинг қатъий тартибини белгилаб берди. Мазкур тартибга кўра, жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади, жиноят ишини ажратишда эса бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган бўлса, ўша иш қўзғатилган пайтдан ҳисобланади.

Қайд этиш кераккки, қонунчиликда илгари мавжуд бўлган ушбу камчилик туфайли терговчилар томонидан самарасиз ўтказиб юборилган тергов муддатини узайтириш йўли билан эмас, балки жиноят ишларини асоссиз бирлаштириш ва ажратиш ҳамда иш юритиш муддатини янги қўзғатилган жиноят иши бўйича ҳисоблаш орқали тергов муддатини тиклашдан иборат салбий амалиёт вужудга келган эди.

Бундан ташқари, тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилиши лозимлиги ҳақидаги норма жиноятларни, жиноят ишининг бир қисмини материал тариқасида ажратиш йўли билан ҳисобдан яшириш ҳолларига чек қўйди.

Янги киритилган юқоридаги қоидалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ижобий баҳоланди ва тергов ходимларининг масъулиятини оширишга ҳамда жиноят ишларини сансалорликка солиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган ўз вақтида кўрилган кескин чора бўлди ҳамда процессуал қонуннинг тўғри қўлланишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 апрелдаги Қонуни билан Жиноят кодексининг 58-моддасига киритилган ҳамда жиноятга тайёргарлик ва унга суиқасд учун жазонинг юқори чегарасини белгилашдан иборат бўлган ўзгартишлар жиноий жавобгарликни янада либераллаштириш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди. Бундан буён шундай қилмиш учун суд томонидан тайинланадиган жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозим.

Таъкидлаш лозимки, бу мамлакатимизнинг инсонпарварлик ва одиллик ғояларига содиқлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

*(Давоми 2-бетда).*

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Мазкур тузатишлар қабул қилингунга қадар, айрим ҳолларда, жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб, жазоларни индивидуаллаштириш қоидаларига риоя қилинмас эди. Тугалланмаган жиноятларнинг хавфи камроқ бўлишига қарамасдан, айбдорларга нисбатан асоссиз оғир жазо тайинлаш ҳоллари учраб турарди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар ва судланганларнинг қариндошларининг асосли эътирозларини келтириб чиқарар эди.

Бундан буён, суд амалиётидан тугалланмаган жиноятлар учун максимал жазо тайинлаш имконияти чиқариб ташланди.

2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан 2008 йил 16 апрелда «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қайд этиш жоизки, ҳукуматимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кўрилаётган чоралар, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида охирги йилларда мазкур тоифадаги шахслар ўртасида жиноятчилик камайиб бормоқда.

Шу билан бирга, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасаларининг тарбиявий потенциали сусайиши, ота-оналар томонидан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятлар етарли бажарилмаётганлиги, уларга салбий таъсир кўрсатилаётганлиги вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун бундай шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни ўз вақтида кўриш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида тилга олинган қонун вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг самарадорлигини ошириш мақсадини кўзлайди ва вояга етмаган шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳамда уларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жиноий жазо чораларини кучайтиришни назарда тутади.

Бундан ташқари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, уларни жойлаштиришда қонун талабларини бузиш ҳамда вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик учун мазкур қонун билан маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни ва Оила кодексига киритилган ўзгартишлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим, даволаш ва бошқа муассасаларнинг мансабдор шахсларига ҳамда фуқароларга ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Бу эса васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан мазкур болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зарур чоралар ўз вақтида кўрилишини таъминлайди.

Миграция жараёнларининг кучайиши муносабати билан одамлар савдоси қамрови тобора кенгайиб бораётганлигини инобатга олиб, ҳозирги вақтда жаҳонда бу жиноятларга қарши курашиш масаласининг долзарблиги ортмоқда. Ўтган йилнинг февраль ойида Вена шаҳрида (Австрия) одамлар савдосига қарши курашиш мавзусига бағишлаб ўтказилган халқаро конференциянинг маълумотларига кўра, ҳар йили 2,7 млн. нафарга яқин шахс бу жиноятнинг қурбони бўлиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади.

Шу муносабат билан республикамизда бу иллатга қарши курашиш масалалари давлат миқёсида ҳал қилинмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон одамларнинг нолегал трафикига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини ташкил қилувчи асосий халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлашнинг фуқаролик аспектлари тўғрисидаги Гаага Конвенцияси, Одамлар савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишаликда фойдаланишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция ва унга Якунловчи баённома, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича Конвенциясининг иштирокчиси бўлиб, бу борадаги ишларни давом эттирмоқда.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича Конвенциясини тўлдирувчи, 2000 йилнинг 15 декабрида қабул қилинган «Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида»ги Баённомада одамлар савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш учун бундай савдонинг олдини олишга, бу фаолият билан шуғулланувчи шахсларни жазолашга ва унинг қурбонларини, шу жумладан, уларнинг халқаро эътироф этилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз ичига олган кенг қамровли халқаро ёндашув зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Одамлар савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мазкур Баённоманинг қоидаларини миллий қонунчиликка сингдириш мақсадида 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда «одам савдоси» ва «одамлардан фойдаланиш» тушунчалари белгиланган, одам савдосига қарши курашиш тизимининг ташкил этилиши тартиби, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва ижтимоий-ҳуқуқий реабилитацияси масалалари ёритилган.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларга содиқлигини ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бажараётганлигини тасдиқловчи яна бир далилдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Адвокатуранинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шароитларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги тутган ўрнидан келиб чиқиб, мазкур институтнинг ислоҳ қилиниши суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси сифатида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, адвокатура институтини ислоҳ қилиш жараёни мустақиллик эълон қилинган дастлабки йилларда бошланган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш лозимлигини, улар, биринчи навбатда, судлов амалиётида конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишлари кераклигини таъкидлаган эди.

Кейинчалик қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Адвокатура тўғрисида»ги ва 1998 йил 25 декабрдаги «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлари илк бор мустақил Ўзбекистонда адвокатуранинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратиб, адвокатларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони — фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар мустақиллигининг кафолатларини кучайтириш ва ушбу касбнинг обрўси ҳамда нуфузини оширишга қаратилган навбатдаги муҳим қадамдир.

Фармонда адвокатурани ислоҳ қилишнинг қатор асосий йўналишлари, шу жумладан, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш, айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглиги ва шу каби бошқа масалалар кўзда тутилган.

Фармонга асосан тузилаётган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари адвокатлик уюшмасининг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиб, Адвокатлар ассоциациясининг ўрнини эгаллайди. Ушбу нотижорат ташкилот фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида адвокатлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, адвокатурани янада ривожлантириш, адвокатларни касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблардан ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан қонунчилика ва касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишга хизмат қилади.

Фармон билан адвокатурага сифат жиҳатидан берилаётган янги мақом, албатта, адвокатларнинг профессионаллиги, компетентлилиги, виждонлилиги ва ҳалоллиги учун жамият олдидаги масъулиятини оширади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир қисмини ташкил қилади, холос.

Охирги ярим йил ичида қабул қилинган қонунлар билан қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартишлар киритилди. Ушбу тузатишлар жарима тариқасидаги жиноий жазони мажбурий ундириш ва жазони ижро этиш муассасасини ўзбошимчалик билан тарк этган маҳкумга нисбатан колония турини алмаштириш масалаларини ҳал қилиш тартибларини такомиллаштириш, судловга тегишлилик қоидаларини ўзгартириш, қимор ўйинларини ноқонуний ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишларга биноан, қимор ўйинларида қонунга хилоф равишда иштирок этиш, бундай ўйинларга вояга етмаганларни жалб этиш, шунингдек, ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон, теле-, видеомониторлардан фойдаланиш ҳамда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ва Сенатида тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун жавобгарликни белгилаш, хўжалик судларининг қарорларини фуқароларнинг шикоятлари асосида назорат тартибида кўриб чиқишни белгиловчи хўжалик процессуал қонунининг нормаларини такомиллаштириш оид ва бошқа қонун лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Шундай қилиб, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлатимиздаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг турли жабҳалари қамраб олинган. Бунинг сабаби — жамият ва давлатни демократлаштиришнинг жараёни бир соҳа билан чегараланмасдан, кенг қамровли хусусиятга эгалигидадир. Бунда, демократлаштириш деганда, нафақат жавобгарлик чораларини енгиллаштиришни, бирор-бир жараённи соддалаштиришни, балки қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш, уни замон талабларига мувофиқлаштиришни ҳам тушуниш керак.

Ҳамма бир нарсани англаши зарур: амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

*(**«Халқ сўзи»** газетасининг 2008 йил 27 май сонидан олинди).*



# БАНКИРНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

**Инсон ҳаётда яхши ният билан яшайди. «Фарзандларимга тўй қилиб элга ош берсам, яхши ҳовли-жой қилиб, роҳатда яшасам» дейди. Шу ниятда кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилади. Мақсад — бу дунёда инсондек яшаб ўтиш. Бироқ инсон ҳамиша ўз ниятига етавермас экан. Кимлардир ҳаётда уни алдаб, умр бўйи йиққан мол-дунёсига кўз олайтиради. Ана шундай дамларда алданган одамнинг нафрати кучайиб кетади. Начора... Буни ҳаёт дейдилар.**

2006 йилнинг 18 сентябрида Э.Эшниёзов 8,8 млн. сўм, 2006 йил 29 ноябрида А.Атажонов 27 млн сўм, 2006 йил 13 ноябрида О.Алланазаров 13 млн. 540 минг сўм пул маблағларини (жами 9 нафар фуқаро) ДАТ Халқ банкининг Ҳазорасп туман бўлимига яхши ниятда топширишади. Уларнинг мақсади давлатимиз яратиб берган имкониятдан фойдаланиб, омонатга қўйган маблағларидан фоиз олиш эди. 9 нафар фуқаро келажакда тўй қилсак, ҳовли-жой қилсак, яхши кунимизга яраб қолар, дея орзу қилганди. Аммо уларнинг орзулари сароб бўлиб чиқди. Банкдагилар содда фуқароларни алдаб, топширган пулларини талон-торож қилишди.

— Қанча нақд пул йиғилди? — сўради ДАТ Халқ банки Ҳазорасп туман филиали бошқарувчиси Зокиржон Ражабов ҳисобчи Пўлат Сетмаматовдан.

— 9 нафар фуқародан 160 млн. 376,2 минг сўм.

— Анча йиғилиб қолибди-ку! Энди уларни «ишлатишимиз» керак.

— Ахир улар фуқароларнинг омонати-ку.

— Нима бўпти?! Сиз қўрқмасдан олинган пулларни банкка кирим қилинди, деб ёзиб қўяверинг. Омонатчиларга омонат дафтарчаларини қўрқмасдан ёзиб бераверинг.

— Улар пулларини топширган вақтда омонат дафтарчасини берганман.

— Ундай бўлса «иш»га киришсак ҳам бўлади.

Банк филиали бошлиғи пул керак бўлиб қолганда хазина мудиралари Элмира Ҳидирова ва Насиба Юсуповадан хоҳлаганча пул олиб ишлатадиган одат чиқарди.

Бир куни улар хўжайинга кириб:

— Хўжайин бу пулларнинг ҳисоб-китоби бор. Эрта-индин юқоридан текширувчилар келиб қолса, камомадни қандай ёпамиз, — дейишди йиғлагудек бўлиб.

— Сизлар топшириқни бажарсанглар бўлди. Сих ҳам, кабоб ҳам куймайди. Қўрқманглар, ўзим ҳамма муаммони ҳал қиламан, — дея бошлиқ уларни чиқариб юборди.

Кўп ўтмай, пулларини банкка фоизга берган 9 нафар фуқаро банк эшигини тақиллатишни бошлашди.

Зокир Ражабов бу ишларнинг миси чиқиб қолмаслиги учун бош ҳисобчи П.Сетмаматов, хазинахона мудиралари Э.Ҳидирова, Н.Юсупова, бош мутахассис Ю.Сапаев, филиалга қарашли 16-сонли шохобча хазиначиси Н.Отажонова ва назоратчиси Т.Болтабоевларни хонасига чақирди.

— Ҳаммамиз яхши яшаяпмиз. Ҳеч ким ишдан бўшашни хоҳламайди. Шундай экан, битта «операция»ни амалга оширишимиз керак. Бундан ҳамма манфаатдор бўлади. Шундай қилмасак, ишимиз чаппа айланиб кетади.

— Нима иш қилишимиз керак, — деди бош ҳисобчи П.Сетмаматов бошлиққа сирли нигоҳ билан.

— Туманимиздаги «Пичоқчи», «12-Нарвон», «Жавондир», «Б.Матризаев» қишлоқларида яшовчи кам таъминланган, 2 ва 18 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга берилиши керак бўлган 31 млн. 830 минг 534 сўмни эгаларига тарқатилди, деб ҳужжатлаштиришимиз керак. Акс ҳолда... Чунки юқоридан текширувчилар келаяпти.

Иш ҳамирдан қил суғургандек битди. Ҳамма ҳужжатларга имзолар қўйилиб, муҳрлар босилди. 31 млн. 830 минг 534 сўм муҳтожларга берилди деб расмийлаштириб қўйилди. Пулга муҳтожлар эса уйларида бугун-эрта банкдагилар пулимизни олиб келиб беради, дея умид билан кўчага кўз тикиб қолаверишди. Лекин...

Ҳаром луқмага мазахўрак бўлган Зокир Ражабов қилаётган ишимизни ким билиб ўтирибди қабилида «иккинчи» операцияга киришди. Бу «операция» натижасида тумандаги «Ҳазорасп шаҳарчаси» фуқаролар йиғини, «Сулаймон қалъаси», Ойбек ва Ш.Рашидов номли маҳалла ҳудудида яшовчи кам таъминланган оилалар, 2 ва 18 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга давлат томонидан тўланиши керак бўлган 27 млн. 377 минг 416 сўмни жиноий гуруҳ ўзлаштириб юборди.

Нафси ҳакалак отган жиноий гуруҳ яна бир неча «операция»ларни амалга оширди. Улар ҳар қандай текширувчиларни доғда қолдирамиз деб ўйлашганди.

Жиноий фаолият натижасида етказилган зарар миқдори эса бу вақтга келиб, 67 млн. 442 минг сўмни ташкил этганди.

Нафсига эрк берган жиноий гуруҳ бу ишлар билан қаноатланмади. Зокир Ражабовнинг ўзи пул топишнинг янги-янги йўлларини ўйлаб топди. Яъни у банк кассасида бўлган 64 минг 248 АҚШ долларини Ҳазорасп туман кийим бозоридаги валютафуруш Улуғбек Рўзиметовга 80 млн. 210 минг сўмга сотиб юборади.

Терговда З.Ражабов бошлиқ жиноий гуруҳнинг кўплаб сирли ишлари фош этилди. Жумладан, ХИИ «Урганч-ёғ» ОАЖга қарашли 36-сонли фирма дўкони сотувчиси Р.Худойберганов томонидан 2005 йил октябрь ойида банкка топширилган 16,2 млн. сўм нақд пул банк хазинасига кирим қилинмасдан З.Ражабов томонидан ўзлаштириб юборилганлиги аниқланди.

Бир жиноят иккинчи бир жиноятнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу жиноий гуруҳ шунчалик кўп «операция»ларни амалга ошириб, жуда катта маблағни ўзлаштириб юборади. Бу маблағларни жойига қўйиш учун эса минг бир усулларни — қонунбузилишларни ўйлаб топишади.

Қўза кунида синишини билиб қолгач, З.Ражабов калаванинг учини йўқотиб қўйди. Оқибатда тумандаги пулдор одамлардан фоизга пул олиб, ишни ёпмоқчи бўлди. Унинг терговда берган кўрсатмасига кўра ўмарилган 932 млн. сўмни жойига қўйиш учун бир неча фуқаролардан фоиз устамаси билан қайтариш эвазига қарзга пул олади. Ҳазорасп туманида яшовчи фуқаролар Э.Бекязов, О.Атажонов, Ў.Қурбоновлар ўзларининг кўрсатмаларида банк бошқарувчиси З.Ражабовга фоизи билан қайтариш шарти асосида пул бериб, фойда кўрганликларини билдирганлар. Улардан банкка етказилган зарар тўлиқ қайтарилиши таъминланди.

З.Ражабов бошчилигидаги жиноий гуруҳ банкка жами 1 млрд. 20,5 млн. сўм зарар етказди. Терговда етказилган зарарнинг тўлиқ ундирилиши таъминланди. Шундай қилиб, жиноий гуруҳнинг фаолиятига чек қўйилди ва суд ўз сўзини айтди.

**Олимжон АЗИМОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма прокурори**

# Қонунни менсимаган божхоначилар

**Маълумки, божхона давлат чегарасидан ўтадиган ва ўтказиладиган мол-мулклар ҳамда транспорт воситаларини назорат қилувчи, шунингдек, юк эгаларидан белгиланган тартибда бож (пошлина) ундирувчи, давлатнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилувчи давлат органидир. Шундай экан, тизимда меҳнат қилаётган ходимлардан жуда катта масъулият талаб қилинади.**

Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, баъзан божхоначилар орасида зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис қилмаётган ёки унутиб қўяётганлар ҳам учраб қолаяпти. Фарғона транспорт прокуратураси томонидан «Қўқон-ТИФ» (ташқи иқтисодий фаолият), Андижон вилоятидаги «Бобур-ТИФ» ва «Асака-ТИФ» божхона постларида ўтказилган текширишда юқоридаги фикр ўз тасдиғини топди.

Масалан, Қўқон шаҳрида жойлашган «Фарғона геофизика экспедицияси» ОАЖ номига Германия давлатидан турли хил асбоб-ускуналар келтирилган. Божхона инспектори Ж.Нурматов мазкур юкни божхона юк баённомаси билан «Вақтинча сақлаш» режимига, кейинроқ «Божхона омбори» режимига расмийлаштирган. Бироқ юк эгаси «Вақтинча сақлаш» режимни 26 кунга бузганига қарамай, божхона инспектори унга ҳеч қандай чора кўрмаган ва бу билан у кодекснинг 151-моддаси талабларини бузган. Яна бир инспектор А.Исомиддинов эса Риштон туманидаги «Fayz Akroteks» масъулияти чекланган жамиятига Туркиядан келтирилган тикувчилик дастгоҳларини «Вақтинча сақлаш» ва «Божхона омбори» режимларига расмийлаштиради. Лекин жамият вакиллари «Вақтинча сақлаш» режимини «бор-йўғи» 9 кунга бузишгани учун тегишли чора кўриш унинг «хаёлидан кўтарилиб» қолади.

Инспектор Д.Тоштемиров ва вилоят божхона бошқармаси махсус гуруҳи вакили М.Сотволдиевлар томонидан содир этилган қонунбузилиш ҳолати юқоридагилардан бошқачароқ. Гап шундаки, Данғара туманидаги «СТ–РОНГ–ТАУН» жамияти номига Хитойдан 50.131 килограмм курилиш моллари келтирилади. Ана шу юкни инспекторлар 6 соат мобайнида божхона кўригидан ўтказишди ҳамда ҳар бир киши учун соатига 12,5 евродан жами 150 евро ёки 241 минг 744 сўм божхона йиғими ҳисоблашган. Юк шанба — дам олиш куни кўрикдан ўтказилган. Дам олиш кунлари эса божхона йиғими ҳар бир киши учун соатига 20 евродан ҳисобланиши лозим эди. Демак, йиғим 90 евро ёки 145 минг 46 сўмга кам ҳисобланган.

Кўриниб турибдики, юқоридаги каби қонунбузилишлар натижасида давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етган. Шу боис Фарғона транспорт прокуратураси Фарғона вилоят божхона бошқармаси бошлиғи номига аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш омилларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритди. Шунга кўра номларидан қайд этилган божхоначилар тегишли интизомий жазога тортилди.

**Мирсобит МУЗАФФАРОВ,**
**Фарғона транспорт прокурори**

# Ходим ишга тикланди

**Ҳозирги замонда бирон бир ташкилотда ишлаётган ходим учун ўз иш жойи муҳим аҳамиятга эга. Чунки, у шу ердан ойлик олиб, рўзғорини тебратади. Энди фараз қилинг, ходим ҳар куни бориб ишлайдиган, вақти келиб ойлик оладиган муқим иш жойидан кутилмаганда бўшатилса, яна жўяли бир сабабсиз.**

«Шаҳарийўлқурилишсозлаш» ОАЖ шўъба корхонаси ишчиси Г.Вершинин ҳам худди шундай аҳволга тушиб, сал бўлмаса ўз ишидан айрилиб қолаётганди. 2006 йилнинг 22 майида «Шаҳарийўлқурилишсозлаш» ОАЖ шўъба корхонаси бошлиғининг буйруғи асосида Г.Вершинин билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига мувофиқ бекор қилинади. Қонуннинг мазкур моддаси эса меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузганлик учун қўлланиладиган банд бўлганлиги боис бу ҳолат Г.Вершининга ток ургандек таъсир қилди. Бунинг сабабини билиш мақсадида у корхона маъмуриятига мурожаат қилганида кадрлар бўлими буйруққа корхона транспорт бўлими бошлиғи Г.Ҳамидовнинг Г.Вершинин ва М.Акбарянлар 2006 йил 20 майда кеч соат олтидан кейин маст ҳолда ўзаро жанжаллашиб қолишгани ҳақидаги билдиргиси асос қилиб олинганлигини кўрсатади.

Г.Вершининнинг бу асослар ҳақиқатга умуман тўғри келмаслиги борасидаги тушунтиришлари зое кетавергач, у ўз ҳуқуқларини тиклаб беришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туман судига мурожаат қилади. 2006 йил 13 сентябрда суднинг ҳал қилув қарори чиқди. Аммо суд даъвогарнинг талабларини қаноатлантиришни рад қилади. Мазкур иш фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясида кўрилганида ҳам 1-инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиради. Фақат корхона ҳисобидан Г.Вершинин фойдасига 7405 сўм 20 тийин миқдорида ишдан бўшатиш компенсация пули ундириш белгиланади.

Ишни атрофлича ўрганиш жараёнида суд томонидан айрим жиҳатлар эътибордан четда қолганлиги маълум бўлди. Хусусан, корхона бошлиғи номига Г.Вершинин хусусида билдирги билан чиққан Г.Ҳамидовнинг ўзи суд жараёнида бўлиб ўтган жанжалга аслида гувоҳ бўлмаганлигини, буни корхона ҳайдовчиси Туркибаев ва механик Гафуровлардан эшитганлигини ҳамда Г.Вершининни илгари маст ҳолда кўрмаганлигини билдирган. Лекин суд томонидан ушбу ҳолатларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган. Бундан ташқари суд жанжал ҳақидаги далолатнома 2006 йил 20 майда тузилганлигига, далолатнома воқеага гувоҳ бўлмаган Г.Ҳамидов ва К.Муратовлар томонидан имзоланганлигига, агар ҳақиқатан ҳам жанжал бўлган бўлса, иш вақтидан кейин бўлиб ўтганлигига ҳамда 2006 йил 20 май дам олиш куни эканлигига эътибор қаратмаган. Қолаверса, Г.Вершинин мастлик даражасини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказилмаган.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган қўшимча текшириш натижасида аниқланишича, Г.Вершинин 2006 йил 19 майда тўлиқ иш жойида бўлган. Бунинг устига Г.Вершинин билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳақиқатга мос келмайдиган асосни ҳам нотўғри қўллаган. Яъни, «Шаҳарийўлқурилишсозлаш» ОАЖ шўъба корхонаси ички меҳнат тартиби қоидаларининг 2.11 бандига кўра, меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузилганлиги сабабли ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касаба уюшмаси вакилининг иштирокида тузилган далолатнома асос бўлиши кўрсатилган. Аммо Г.Ҳамидов томонидан тузилган далолатномада корхона касаба уюшмаси вакили иштирок этмаган. Бундан ташқари ишдан бўшатишда корхона маъмурияти томонидан касаба уюшмасига мурожаат ҳам қилинмаган, уларнинг розилиги ҳам олинмаган. Бу билан Г.Вершининнинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузилишига йўл қўйилган.

Қайд этиб ўтилган ҳолатлар эътиборга олиниб, 2007 йил 17 мартда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 26 декабрь кунги ажримини бекор қилиш ва ишни қайта кўриш ҳақида Тошкент шаҳар прокурори томонидан назорат тартибида протест киритилди. Протест қаноатлантирилиб, судда иш атрофлича кўрилди ва Г.Вершининнинг поймол этилган ҳуқуқлари тикланди.

**Сурьат ЖАББОРОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори**




## Саҳифамизда Андижон вилояти прокуратураси



*Заҳириддин Муҳаммад Бобур андижонликлар ифтихори*

# ИНСОН МАНФААТИ – БОШ ВАЗИФА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигини кутиб олар эканмиз, ўтган қисқа давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётимизда улкан ўзгаришлар рўй берганлигининг гувоҳи бўламиз. Республикамиз ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчиллик билан ривожланиб бормоқда.

Андижон вилоят прокуратура органлари ҳудудда барқарор ижтимоий муҳитни қарор топтириш, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш борасида ғайрат билан фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати бирмунча кучайтирилиб, текширишлар натижасига кўра 5017 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 57,5 млн. сўмлик моддий зарар айбдор шахслардан ихтиёрий ундирилди. 1,1 млрд. сўмлик зарарни ундириш борасида судларга 1112 та даъво аризаси киритилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 95 та жиноят иши қўзғатилди. Мансабдор шахсларнинг қонунга зид равишда қабул қилган ҳужжатларига нисбатан 286 та протест киритилиб, уларни қонунга мувофиқлаштириш чоралари кўрилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига оид қонунлар ижросини текширишда кам таъминланган оилаларга ва пенсионерларга берилиши лозим бўлган 60 млн. сўмдан зиёд маблағ фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва почта алоқа хизмати масъул ходимлари томонидан ўзлаштириш ва бошқа шахслар томонидан фирибгарлик билан талон-торож қилинганлиги аниқланиб, 37 та жиноят иши қўзғатилди. Етказилган зарар текшириш ва тергов жараёнида тўлиқ ундирилди.

Қўрғонтепа туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда «Халқ банки»нинг туман бўлими бош ҳисобчиси ўринбосари У.Абдуллаева пенсия таъминотига кирим қилиниши лозим бўлган 27 млн. сўмни ўзлаштирганлиги аниқланди.

Ана шундай текин бойликка ружу қўйганлардан яна бири Дилфуза Ҳожиматовадир. Андижон шаҳар ижтимоий таъминот бўлимида пенсия ва нафақаларни тўлаш устидан мониторинг гуруҳи инспектори лавозимида ишлаб келаётган Д.Ҳожиматова ҳамкасби Ў.Раҳимова ва Андижон шаҳар почта алоқа тармоғининг 2-алоқа бўлими хабарчилари А.Тўлаков, М.Тожибоев, О.Дадабоев, Р.Раҳмоновлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, умуман йўқ бўлган шахсларни «ихтиро» қилади. «Ихтиро»лари туфайли юзага келган 9 нафар шахсларни пенсия пуллари олади деб тўлов варақларига киритади. Улар ҳатто тўлов варақларига вафот этган Ф.Мамадалиев, Т.Ҳакимовалар ҳамон пенсия олаётганлиги ҳақидаги сохта маълумот ва ёзувлар киритишиб, улар учун «улуш»лар чиқаришади. Албатта имзоларни ўзлари ўхшатишади. Шу йўл билан 2006-2007 йиллар давомида 7 млн. 703 минг 879,65 сўмлик пенсия пулларини ўзлаштириб, талон-торож қилишади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарда ҳам ўзаро тўлов ҳамда шартнома интизоми талаблари бузилиб, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик ҳолатларига йўл қўйилган. Масалан, Қўрғонтепа туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди 48 нафар ишчи-хизматчиларнинг 15,1 млн. сўмлик иш ҳақини тўлаш чоралари кўрилмаган.

Туман прокурорининг қарори билан отряд раҳбари Ғ.Ўринбоев ва бош ҳисобчи О.Маматиминовларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ишчи-хизматчилар манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Ички ва ташқи бозор учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида минглаб тадбиркорларнинг хусусий жамғармалари билан фаолият юритаётганлиги ва улар сонининг муттасил ўсиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссасининг ортиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳимоялаш борасида қонунийлик аҳволига оид маълумотлар мунтазам таҳлил этилиб, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши таъминлаб борилмоқда.

Ўтказилган текширишларда шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги оқибатида етказилган 83 млн. сўмлик зарарни тадбиркорлар фойдасига ундириш юзасидан 11 та даъво аризаси киритилди. Аниқланган жиддий қонунбузарликлар бўйича 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Қонунийлик аҳволига оид маълумотларга кўра 2007 йилда вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига тадбиркорлик субъектларидан 2842 та ариза ва шикоятлар келиб тушган.

Охунбобоев шаҳрида яшовчи тадбиркор Ш.Исроилов туман ҳокимига бозор ўрамида жойлашган хусусий ошхонаси учун ер майдони ажратиб бериш ҳақида мурожаат қилган. Лекин туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмат бўлими 4 ойдан ортиқ муддат ўтиб, ер ажратиб бериш имкони йўқлиги ҳақида асослантирилмаган жавоб хати юбориш билан чекланган.

Шу тумандаги тадбиркор С.Исақовга туман ҳокимининг қарори билан шаҳар марказида савдо дўкони қуриш учун 29 кв.м ер майдони ажратиб бериш масаласини ҳал этиш бош архитекторга юклатилган бўлса-да, қарор ижроси таъминланмасдан текшириш кунига қадар пайсалга солиб келинган.

Текшириш натижаларига кўра туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бўлими бошлиғи А.Аҳмедов ва туман бош архитектори Р.Солиевлар ҳудудий прокурор қарори билан маъмурий жавобгарликка тортилди. Прокурор аралашуви билан хусусий тадбиркор С.Исақовга савдо дўкони қуриш учун 12 кв.м. ер майдони ажратиб берилиши таъминланди.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини бузган 7 нафар масъул шахснинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилиб, прокурорлар аралашуви билан мурожаатларга тегишли муносабат билдирилиши таъминланган.

Фермерлик дунёда энг кенг тарқалган тадбиркорлик шаклларидан биридир. Шуни эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда ҳам мулкчиликнинг янги шакли — фермер хўжаликлари ташкил этилди. Уларга катта қулайликлар яратилиб, кичик фоизли кредитлар ажратиш йўлга қўйилди. Янги ташкил этилган хўжаликлар бир неча йил солиқлардан озод этилди. Шунингдек, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашнинг мутлақо янгича механизми ишлаб чиқилди.

Афсуски, лоқайд мансабдорлар ва шахсий бойлик орттиришни кўзлаётган айрим шахслар соҳадаги ислоҳотлар йўлида етарлича ташвиш келтираётир.

Андижон туман «Машина-трактор парки» ОАЖда Ҳомиджон Ҳасанов бошчилигидаги мансабдор шахслар томонидан 7 та «Магнум» русумли тракторларнинг мавсумга шайлиги тўғрисида сохта ҳисобот маълумотлар берилган. Жамиятнинг 493 млн. 546 минг сўмлик дебитор, 1 млрд. 210 млн. 443 минг сўмлик кредитор қарздорлигини ундириш учун амалий чоралар кўрилмаган. Оқибатда корхона оғир иқтисодий-молиявий таназзулга юз тутган. Ишчи-хизматчиларнинг 11 млн. 420 минг сўмлик иш ҳақи вақтида тўланмаганлиги, 92 млн. 643 минг сўм миқдоридаги солиқ ва мажбурий тўловлар аросатда қолганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Ўтган даврда пахта, пилла ва дон етиштириш, уларни сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш, енгил саноат, нефть маҳсулотлари, газ ва электр энергиясидан фойдаланиш соҳасида қўзғатилган жиноят ишлари бўйича мулкий зарарларнинг қопланишига асосий вазифа сифатида қаралди. Хусусан, Марҳамат туманидаги «Дон қабул қилиш шахобчаси» мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича ўтказилган тергов давомида 2007 йилда аслида етиштирилмаган 1267 тонна 149 млн. 506 минг сўмлик дон маҳсулотлари қўшиб ёзиш йўли билан давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказганликлари аниқланиб, зарар тўлиғича ундирилди.

«Ёшлар йили» ва бошқа давлат дастурларини бажариш мақсадида давлат ва кенг жамоатчилик олдига бир қанча вазифалар қўйилган. Жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби вазифаларга умумдавлат миқёсида катта эътибор беріляпти. Албатта юқорида санаб ўтилган вазифалардан бири ёшларни замонавий касбларга йўналтириш ҳисобланади. Бу борада ҳукуматимиз бир қатор ишларни амалга оширди. Жойларда касб-ҳунар коллежлари қуриб битказилиб, ёшлар касб-ҳунар эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Республика Президенти томонидан қабул қилинган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»ни бажаришга киришилганига беш йил тўлмоқда. Бу муддат ичида шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб мактаблар янгича қиёфага эга бўлди. Қурилиш объектлари тендер танлови асосида пудратчиларга берилмоқда. Бу, албатта, ислоҳотнинг ижобий томонидир. Лекин тендерда иштирок этиб, ғолиб бўлганларнинг ҳаммасини ҳам бу ишни тўла уддалай олади, дея олмаймиз. Бунинг оқибатида эса қурилиш ишлари ўз муддатида якунланмай қолмоқда.

Қўрғонтепа туманида жойлашган 121-сонли қурилиш МЧЖ раҳбари Х.Сотволдиев туман ХТБга қарашли 7-сонли мактабда 30 млн. 229 минг 870 сўмлик, «Дирекция» КТХ корхонаси мансабдорлари эса Избоскан тумани халқ таълими бўлимига қарашли 5-сонли мактабда 23 млн. 327 минг сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар тузиб, бюджет маблағларини талон-торож этишган. Мазкур ҳолат юзасидан прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари қўзғатилиб, зарар ундирилиши таъминланган ва жавобгарлик белгиланган.

Жамият тараққиётининг бош омили қонун устуворлигини таъминлаш экан, келгусида ҳам прокуратура органларининг асосий вазифаси вилоят ҳудудида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва уни профилактика қилишдан иборат бўлиб қолаверади.

**Муқимбой ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари**



# Ҳунарли хор бўлмас

Доно халқимиз бежиз бундай демаган. Кимки севган ҳунари ёки касбини улуғласа, ундан ўзи қадр топиши шубҳасиз.

Биз бу тушунчаларни ўқув марказимизга келаётган ҳар бир ёшга тушунтирамиз, ўз фаолиятимизда ёшларга кўрсатамиз. Чунки фирмамизда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан бирга ёшларга ҳунар ҳам ўргатилади.

Жамоамиз 20 кишидан иборат бўлиб, уларнинг деярли ҳаммаси ёшлар. Араблар, ночорга балиқ берма, қармоқ бер деб бежиз айтмайдилар. Биз айнан шу йўлни танлаганмиз. Ўқув марказимизни тамомлаганлар турли пишириқларни тайёрловчи моҳир пазанда, ажойиб чевар, сартарош каби ҳунарманд бўлишиб, нафақат ўзини, балки оиласини ҳам боқмоқдалар.

Шу кунгача мингдан зиёд йигит ва қиз ўқув марказимизни тамомлади. Улардан 300 нафари кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлиб, бепул ҳунар ўргандилар.

Бу йилнинг Ёшлар йили деб аталиши муносабати билан фирмамиз яхши бир тадбирни йўлга қўйди. Унга кўра ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, Ватанга муҳаббат туйғуларини ривожлантириш, маданий-маърифий ишларни кенг олиб бориш, моддий рағбатлантириб бориш кўзда тутилган.

Фаолиятимиз давомида хайрия ишларини ҳам олиб боряпмиз. Ўтган йили фирмамиз кам таъминланган оилалар, Андижон шаҳридаги 2-меҳрибонлик уйига сезиларли беминнат ёрдам кўрсатганди. Бу йил ана шундай савобли ишларни кўпроқ амалга оширмоқчимиз. Мурувват дилни поклайди. Дил пок экан, ишлар бароридан келаверади.

**Шуҳратбек ҲАКИМОВ,**
**Андижон шаҳридаги «Шуҳрат-люкс» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари**

*Суратда: Ш.Ҳакимов ўқув маркази битирувчиси билан*

# ЁШЛИК – УМРНИНГ ҚАЙТМАС БАҲОРИ



Асака тумани прокурори Акмалжон КАРИМОВ билан суҳбат

— **Акмалжон Шавкатович, Президентимиз томонидан 2008 йил «Ёшлар йили» деб номланди. Мамлакатимиз раҳбари «Ёшлар йили» муносабати билан қабул қилинган давлат Дастурида айрим муҳим, бугунги кунда долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаганди.**

— Гапингизда жон бор. Президентимиз аввало, ёшлар манфаатини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаби нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурлигини айтди. Шу билан бирга ўқув юртларини битириб чиқаётган болаларимизнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар яратиб бериш масаласи эътибордан четда қолаётганини уқтириб ўтди.

Ўтган йили туманимиз мактабларида 9-11 синфларни 5328 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, уларнинг 3590 нафари коллеж ва олий ўқув юртларига ўқишга кирдилар. «Устоз ва шогирд» анъаналарига кўра 211 нафар ёшлар ҳунар ўрганмоқда.

Хабарингиз бор, жорий йил бошида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасини ўтказдик. Меҳнат ярмаркасида 56 та ташкилот, корхона, муассаса ва фермер хўжаликлари 215 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Меҳнат ярмаркасида 200 нафарга яқин фуқаро ишга қабул қилинган бўлса, уларнинг 62 фоизини ёшлар ташкил этди.

— **Катта ҳаёт оқимида баъзи ўсмирларнинг жиноят кўчасига кириб қолаётганини яшириб бўлмайди. Туман прокуратурасида бу борада олиб борилаётган профилактик тадбирлар ҳақида тўхталсангиз?**

— Жорий йилда вояга етмаганлар томонидан 9 та жиноят содир этилди. Бундай салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандларни қаровсиз ва назоратсиз қолдириши, сурункали равишда ичувчи ва чекувчи ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, айрим вояга етмаганларнинг таълимга ва меҳнатга жалб қилинмасдан кўча таъсирига тушиб қолганлиги сабаб бўлмоқда.

— **Вояга етмаган ўсмирнинг жиноят кўчасига кириб қолишида отаона, мактаб, маҳалла, жамоатчиликнинг ҳам айби бўлса керак?**

— Бола аввало оилада шаклланади, ўсиб улғаяди, вояга етади. Боланинг ножўя қадами, хатти-ҳаракати бир кунда пайдо бўлиб қолмайди. Ойлар, йиллар давомида шаклланиб боради. Халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади», «қазисан, қартасан, асли наслингга тортасан» деган ўгитлари бор. Агар оила устуни — отанинг ўзи меҳнат қилишга бўйни ёр бермайдиган, топган пулига ичадиган, бўлар бўлмасга жанжал чиқарадиган эркакдан нима кутиш мумкин? Хорижга ишлагани кетиб, йиллаб оиласи, бола-чақасидан хабар олмаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Ана шундай оиланинг фарзандлари жиноят қилишга мойил бўлиб қолганига гувоҳ бўлаяпмиз. Бундай оилада улғайган болага на мактаб, на маҳалла, на жамоатчилик таъсир кўрсата олади.

«Мустаҳкам» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Хўжа маҳаллада истиқомат қилувчи Абдувоҳид Абдуллаев деган фуқаронинг 1993 йилда туғилган Аббос исмли ўғли унга йўл кўрсатувчилар таъсирига тушиб, 2007 йилнинг 3-4 ойи ичида 8 та хонадонга ўғирликка кирган. Боланинг шу даражада ашаддий ўғри бўлиб кетишига нима сабаб? Ота-онаси 14 ёшга кирган боласини назорат қилмайди. Бола ўқиётган мактаб жамоаси эса нима учун ўз ўқувчисига бунчалик бефарқ?

Касални даволашдан кўра, унинг олдини олган яхши деган ҳикмат ҳуқуқ-тартибот органи ходимларига ҳам тегишли. Жиноятчини жазолашдан кўра, жиноят содир бўлишининг олдини олган яхши. Ҳозир туманимиз ҳудудида туман ИИБнинг 20 та таянч пункти ишлаб турибди. Уларга тажрибали инспекторлар жалб этилиб, керакли шарт-шароит яратиб берилган. Бўлимлар ҳисобида турган 54 нафар вояга етмаган ўсмирлар билан якка тартибда иш олиб боріляпти. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида «Ғамхўрлик-2008», «Ўсмир ва қонун», «Гиёҳвандлик — иллат», «Огоҳлик — давр талаби», «Соғ танда — соғлом ақл», «Қобил фарзанд — оила кўрки» сингари ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ва махсус тадбирлар ўтказилмоқда. «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови орқали ўқувчи-ёшлар орасида ҳуқуқий саводхонликни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш йўлида бу ниҳоятда муҳимдир. Маънавий баркамол, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини пухта англаган ёшлар келажакда эркин ва фаровон жамият бунёдкорлари бўлиб етишишларига шубҳа йўқ.

— **Ўз навбатида ёшлар ҳам имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб, келажакка ўзларини тайёрлаб боришлари, илму ҳунар сирларини пухта эгаллашга интилишлари даркор. Акмал Шавкатович, биз бу қисқа суҳбатимизда ёшларнинг жўшқин фаолияти, серқирра ҳаётини қамраб олишимиз қийин. Биз билан қилган самимий суҳбатингиз учун ташаккур!**

Суҳбатдош:
**Маҳлурахон ОРТИҚОВА**

## АНДИЖОН ЁШЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

**Шавкатбек РАҲИМОВ, ҳунарманд-ҳайкалтарош:**

— Қизиққан соҳамга чинакам санъат сифатида қарай бошладим. Аввалари шунчаки ҳавас эди, холос. Натижада ўтган йили амалий санъат бўйича ўтказилган вилоят танловида ғолиб бўлдим. Машҳур уста «Ғижжаки Бобурий» кашфиётчиси Абдумалик Абдураҳмоновга шогирд бўлиш бахтига эришдим.

**Шоҳбозбек ОТАБОЕВ, Шаҳрихон туманидаги «Шоҳбозбек» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Фермерлик мамлакатимизда нисбатан янги соҳа. Шунга қарамай Президентимизнинг раҳнамолигида мазкур соҳада жадал ривожланишлар бўлмоқда. Айниқса, ёш фермерларга катта эътибор беряпти. Биз ҳам яратилаётган шароитлардан кенг фойдаланиб, ўтган йили пахтадан 35, буғдойдан 60 центнердан ошириб ҳосил олдик. Бу йил яна янги марраларни кўзлаб турибмиз.

**Музаффар НОСИРОВ, тиббиёт институти магистранти, Президент стипендияси соҳиби:**

— Мен жарроҳлик йўналиши бўйича билим олмоқдаман. Келгусида устозлар ўгитига таяниб, машҳур жарроҳ бўлмоқчиман. Жаҳон тиббиётида эришилаётган энг сўнгги ютуқларни, илғор технологияларни ўз фаолиятимга татбиқ этиб, халқимизга хизмат қилсам, дейман. Бунинг учун бизда барча шароитлар бор.



## ЁШЛАР БОҒИ

**Ёшлик — умримизнинг олтин фасли. Бу даврда инсонга дунёни-да ўзгартиришга қодир куч ато этилади. Зеро, ёшлар элимизнинг қатордаги норларидир. Бугун Пахтаобод ёшлари ҳам ўсиш, юксалиш, Ватанимизни яшнатиш орзусида яшамоқда.**
**Ёшлар орасида кенг кўламли ишларни олиб бориш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан «Ёшлар ва экология», «Ёшлар ва тадбиркорлик» каби дастурлар ишлаб чиқилди.**
**«Ёшлар йили» давлат дастури асосида туман ҳокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан шаҳар марказида Ёшлар боғи барпо этилди. Хотира ва қадрлаш куни арафасида Ёшлар боғининг очилиш маросими бўлди.**

Тадбирда қўшни Қирғизистон Республикаси Ноокен тумани ҳокимининг ўринбосари Абдураззоқ Борбиев раҳбарлигидаги бир гуруҳ меҳмонлар нонтуз билан кутиб олиндилар. Ҳар икки туман раҳбарлари боғнинг кириш қисмидаги алвон рангли лентани кесдилар. Улар хотира хиёбони ва боғни айланиб, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгашининг янги биноси билан танишдилар.

Анжуман қатнашчиларини Ноокен туман ҳокими ўринбосари Абдураззоқ Борбиев табриклаб:

— Ёшларнинг юзидаги қувончни кўриб, беихтиёр юртингиз тинчлигини ҳис этдим. Мана шу тинчлигингизга, бахтингизга кўз тегмасин, — деди ва қирғиз халқининг миллий кийимларини ҳамда бургут акси тасвирланган суратни «Пахтаободлик ёшларнинг нигоҳи бургут кўзларидек ўткир, парвозидек баланд бўлсин» дея туман ҳокимига ҳадя этди.

— Қадимдан ўзбек ва қирғизнинг бозори, мозори бир. Тили ва дини бир. Бир арикдан сув ичиб, қиз бериб, қиз олади, — дейди Ноокен райони халқ таълим бўлими мудири Ўразбой Шеров. — Ота-оналаримиз анъаналарини биз давом эттираяпмиз. Бу анъанани энди фарзандларимиз давом эттиришлари шубҳасиз. Бугунги ёшлар тадбирига таклиф этганларингиз ва бизларни қатнашишимиз ҳар икки миллат ёшлари қалбига дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамроқ ўрнашишига ишоним комил.

Ёшлар боғига тўпланган, юзида, кўзида қатъият, шижоат порлаб турган йигит-қизларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов ўзининг Ватан, ёшлик, вафо ва садоқат ҳақидаги қўшиқлари билан хушнуд этди.

Сўнгра туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, туман бандликка кўмаклашувчи маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинган «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси очиқ деб эълон қилинди.

Ярмаркада 29 та корхона қатнашиб, улар томонидан 205 та ҳар хил йўналишдаги бўш иш ўринлари таклиф қилинди. Корхоналар билан биргаликда ярмаркада 8 та йўналишдаги уста ҳунармандлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан қатнашиб, жами 24 нафар ёш йигит ва қизлардан шогирдлар олишларини маълум қилишди.

Бўлиб ўтган ярмаркада 184 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар рўйхатга олиниб, уларнинг 147 нафарига ўзларига маъқул бўлган касблари бўйича ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Бундан ташқари, уста-шогирд йўналишида ярмаркада қатнашган ҳунармандларнинг 3 нафарига 12 нафар ёшлар йўналтирилди ҳамда туманнинг Гулистон массивида фаолият кўрсатувчи «Ҳабибулло биохимик» хусусий корхонасининг алоқа хатига асосан 13 нафар ёшлар биолаборантлик касби бўйича касб ўқишларига йўналтирилди.

Шуниси эътиборлики, ўтказилган «Бўш иш ўринлари» ярмаркасига ташриф бюрган фуқароларнинг 60 фоизини ёшлар ташкил қилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур боғнинг очилиши ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш ва муаммоларини ҳал этиш, ютуқларини оммалаштириш соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан эканини намоён этди.

**Абдулҳай ҚАҲҲОРОВ,**
**Пахтаобод туман прокурори**

# *Назорат давом этмоқда*

Ҳадемай халқимиз Мустақилликнинг 17 йиллигини кенг нишонлайди. Ана шу давр ичида юртимизда катта-катта ижобий ўзгаришлар қилинди. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори солиқ тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар ўтказилмоқда. Солиқ ставкаларининг йил сайин камайтириб борилиши мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб беряпти.

Фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, бошқарма ва ҳудудий бўлимларимиз томонидан солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва қочиш механизмларини аниқлаш борасида мунтазам равишда чора-тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Тезкор тадбирлар натижасида солиқ, валюта ва иқтисодиётга оид жами 832 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 800 нафар шахсга нисбатан 260 та жиноят иши қўзғатилди.

Жорий йилда давлат бюджетига 1 млрд. 846 млн. 618,3 минг сўм қўшимча солиқ ва тўловлар ҳисобланиб, шундан 223 млн. 996,5 минг сўми ундирилди.

2008 йилнинг 4 ойи мобайнида ноқонуний фаолият юритаётган 19 та яширин цех аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан жами 6 млн. 494,7 минг сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди.

Жумладан, департаментнинг Олтинкўл туман бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида Сувюлдуз қишлоқ фуқаролар йиғини Гулбоғ маҳалласида яшовчи Б.Матқуловнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. У белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан ўзининг хонадонида томат қайласи ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Тадбир давомида 4 млн. 24,3 минг сўмлик ТМБлар ашёвий далил тариқасида олинди.

Бундан ташқари, Б.Матқулов газ ва электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб электр тармоқлари корхонасига 47 минг сўм ва «Водийгазтаъминоти» унитар корхонасига қарашли Олтинкўл туман филиалига 105,7 минг сўм миқдорида зарар етказганлиги маълум бўлди.

Республика ҳудудида валюта қийматликларини ноқонуний муомалага киритишга қарши жиддий чоралар кўрилаяпти. Валютага оидқонунчиликка риоя қилиниши юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида ҳуқуқбузарлардан 16 минг 210 АҚШ доллари, 6 млн. 199 минг ўзбек сўми, 85 минг 100 Россия рубли, 5 минг 460 қирғиз сўми олинди.

Қўрғонтепа тумани Қорасув шаҳри «Буюм бозори» ҳудудида ўтказилган тезкор тадбир натижасида фуқаро Ихтиёр Маматов харидор Ф.Усмоновага 2100 АҚШ долларини 2 млн. 898 минг сўмга сотган вақтда ушланди. Бундан ташқари И.Маматовдан сотиш учун мўлжалланган 5765 АҚШ доллари ҳам олиб қўйилди.

Бошқармамиз томонидан хуфёна иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини аниқлаш ва акогольҳамда тамаки маҳсулотларини Республикамиз ҳудудига ноқонуний равишда олиб кириш, чиқариш, сотишга қарши курашиш борасида ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилиб, жами 54 та қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйилди. Барча ҳолатларда жиноят ишлари қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан жами 20 млн. 397,2 минг сўмлик спиртли ва 3 млн. 865.6 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари олиб қўйилди.

**Эркин ХОЛМАТОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи**

# «Олтин мўйна» шийпонидаги қатл

**Қоронғулик қуйилиб келаётган маҳал. Рўза ойи. Ифторлик пайти бўлгани учун йўлда одамлар, транспорт воситалари кам...**

**Ўзбекистон тумани ҳудудидаги Қизилқақир — Ўқчи йўлидан бораётган кулранг, давлат рақами 15 С 1010 бўлган «Нексия» машинаси тутзор ичига кириб кетган дала йўлига бурилди. Йўл нотекис эди. Машина сакраб-сакраб борарди.**

**— Негадир оёғим тортмай қолди. Бекор келдик-да, — деди машинани бошқариб бораётган Виталий. — Пулни шаҳарга ўзи олиб борса бўлар-ди-ку.**

**— Мени ҳам кўнглим ғаш, иложсиз келдик-да, — деб унга жавоб қилди орқа ўриндиқда бораётган Илҳомжон чап қўли бармоғидаги тилла узукни айлантириб. — Роса кутдим, лекин пулни олиб бермади. Бу сафар ўзи ваъда бериб чақирди. Яна алдаса, ўзига ёмон бўлади. Пулни тайёр қилиб қўйган бўлса, оламиз-у ортга қайтамиз. Сен машинадан тушмай турасан...**

**Улар борар манзилларида бевақт ажалга дучор бўлишларини, нияти ёвузлашган ака-ука қўлларида муқаррар ўлим топишларини билишмас эди...**



Инсон табиатидаги яширин қусурларни баъзида бойлик ошкор этиб қўяркан. Бойлик топиб адашганлар қанча?! Бахтиёр Маматқулов ҳам шундайлардан бири бўлди. Фермер хўжалиги ташкил этгунча ҳам уни ёмон деб бўлмасди. Тадбиркор бўлди-ю, ўзгара бошлади. Пул дардида ҳеч нарсадан қайтмайдиган бўлди. Ёлғонни кўп гапирарди. Мақтанчоқлигини баъзилар тўғри қабул қилиб, унга ҳавас қилишарди. Бунинг устига фермер хўжалигининг номи ҳам дабдабали: «Олтин мўйна»!

Энг ёмони, оиласига, фарзандларига ҳам хиёнат қилди. Фарғона шаҳрига кун ора бориб, енгил табиат аёллар билан кўнгилхушлик қилишга ўрганиб қолди. Шундай жазманларидан бири Ҳанифахон эди. Ёш, кўҳликкина бу жувон оиласидан ажрашган бўлиб, Кувасой шаҳарчасида онаси билан турарди. Улар Фарғона шаҳрида топишиб қолишди. Бир-бирини кўролмасдан туриша олишмасди. Ҳар галги учрашувда жазманидан Фарғона шаҳридан квартира олиб беришини талаб қиларди. «Ўзимнинг номимга уй олиб қўйсам зиён қилмас, Ҳанифа яшаб тураверади-да», деб ўйлаган Бахтиёр уй қидиришга тушди. Илҳомжон Абдуллаев билан шу сабаб учрашиб, танишиб қолишди. Бу йигит Фарғона шаҳридаги «Саита» МЧЖ раҳбари бўлиб, турмуш ўртоғи Наргиза Абдуллаева номида бўлган Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчасидаги 43-«а» уйнинг уч хонали хонадонини сотмоқчи бўлиб юрган экан. 2007 йил сентябрь ойида уйни Бахтиёр жазмани билан бориб кўришди, маъқул тушди...

Тергов ва судда гувоҳлик берган И.Қорабоевнинг кўргазмасидан: «...Илҳом акани 23 йилдан бери танийман. Уй олди-сотдиси билан шуғулланиб тураман. Давлат рақами 15 AD 491 бўлган оқ «Нексия» машинасида келган Бахтиёр Маматқуловга уй топиб беришимни бир танишим илтимос қилди. Ўша танишим Бахтиёрни «Марказий банкка ишга келаяпти», деб таништирган эди... Илҳом ака менга, «битта квартирам бор, хотиним билмайди. Шу квартирани сотиб юбормоқчиман», деган эди. Унга харидор борлигини айтдим, Бахтиёр жувон (жазмани Ҳанифа — муаллифлар изоҳи) билан квартирани кўришди. Уларга уй ёқди. Бахтиёр Илҳом ака билан шу ерда танишиб, дарров чиқишиб қолишди. Шу ерда учовимиз ароқ ичдик. Уйни 85 минг АҚШ долларига савдолашишди, бир-бирига қўл беришишди. Кейин Илҳом ака квартира калитини Бахтиёрга берди. Илҳом аканинг офисига бориб ҳам ароқ ичишди. Унга «Бахтиёрдан уй учун закалат олиб қолмайсизми?», десам, «пулни яхлит қилиб оламиз», деди. Уч кун ўтиб Илҳом ака менга қўнғироқ қилиб, «Бахтиёрга айтинг, 10-15 минг доллар закалат бериб қўйсин», деган гапни айтди. Бахтиёрга шу гапни айтиш учун қўнғироқ қилган эдим, «мен Тошкентга суҳбатга кетяпман. Марказий банкка ишга келишим керак, кейин гаплашамиз» деди. Бу гапни эшитган Илҳом ака, «Марказий банкка янги одам тайинланди-ку. Бирорта бўлим бошлиғи ёки зам бўлиб келармикин», деб ҳайрон бўлиб қолди...

Эртаси куни Бахтиёр акага яна қўнғироқ қилдим. У Тошкентдаги Марказий банк бошлиғи сафарда эканлигини, олдига кира олмаганлиги, эртага яна Тошкентга қайтиб кетишини айтди. Илҳом ака уйнинг пулини сўраётганини эслатсам, «Тошкентдан суҳбатдан ўтиб келиб, тўғри Фарғонага бораман» деди... Учрашган кунимиз эса, «Илҳом акангизга айтиб қўйинг, бир оғайним айтди, уйни озгина қимматроққа олиб қўйибман. Уйни барибир оламан. Илҳомжонга берадиган пулимни бир айлантириб олсам 20 минг АҚШ доллари миқдорида фойда кўраман. Шунда уй менга 65 минг АҚШ долларига тушади. Пулни 3-4 кун ичида тўғрилаб бераман», деган гапни қилди. Кейин «Моторола» русумли уяли телефонидаги уй суратини кўрсатиб, «Бу мен қураётган уй. Илҳом акангизнинг уйи бунинг олдида ҳеч нарса эмас. Уйимни қуриш учун 400 мингта ғишт ишлатилди. 200 минг донаси Бухородан олиб келинган» деб мақтанди...».

Албатта, юқоридаги гаплар Илҳомжонга етиб борди. Шундан сўнг у сотилган уйи ҳужжатларини тайёрлаб қўйиб, Бахтиёрдан пулини қисташга тушди. Бахтиёр эса қочиб, дуч келганда қуюқ ваъда билан қутулиб юраверди. Бир-икки марта сотилган уйга кўчиб келиб олган Ҳанифахондан ҳам Бахтиёрни ва уй пулини суриштиришди.

— Бахтиёр акам уйнинг ярим пулини тўлаб қўйганман деган-ку! — дейишдан нарига ўтмас эди Ҳанифахон.

Шу тариқа ўртадаги вазият таранглашиб борарди. Сотилган, келишилган бўйича уй пулини ололмаётгани Илҳомжонга оғир ботди. Бахтиёрдан қандай бўлмасин пулини ундиришга қарор қилди. Ҳатто, «разборшик» йигитларни Бахтиёрнинг олдига олиб борди ҳам...

2007 йил 23 сентябрь куни Бахтиёр Фарғона шаҳрига келиб, жазмани билан кўнглини хушлади. Жазмани ҳар гапининг бирида:

— Уйнинг пулини расчёт қилиб қўйинг, мени ҳам тинч қўйишмаяпти, — деди ўпка-гина қилиб. — Бўлмаса уйимга кўчиб кетаман. Бошқа кўришмаймиз. Сизга бекор ишонибман...

Шундан кейин Бахтиёр Илҳомжонни аврашнинг янги режасини тузди. Уни қидириб топди.

— Пул бўлдими? — деб сўради ундан Илҳомжон кўришибоқ. — Жуда чўзиб юбордингиз-ку!

— Пулим оборотда, айлантираётган эдим. Агар хоҳласангиз оз-мозини бериб тураман, — деди уни хотиржам қилиш учун Бахтиёр.

— Қанақа йигитсиз ўзи? — жеркиб ташлади Илҳомжон. Лафзсизлик қилманг-да!

— Бўлмаса уйимда қора рангли янги «Ласетти» машинаси турибди, — деди Бахтиёр. Бу унинг навбатдаги ёлғони эди. — Яна иккита машинам бор. Биттаси «Нексия Донс», менга ишонмасангиз шу машиналардан бирини олиб туринг.

Аслида унинг бундай машиналари йўқ, Фарғона шаҳрига ҳам бир танишининг «Нексия»сини миниб келган эди. Илҳомжон унга бу сафар ҳам ишонди.

— Бўпти, «Ласетти»ни олиб келиб беринг, — деди у Бахтиёрга, — залогга қўйиб пул олиб тураман. Аммо машинага қўшиб хотинингизнинг розилик хатини нотариал идорадан тасдиқлатиб келасиз. Шунда сизга ишонаман. Бу охирги гапим.

Эртаси куни Бахтиёр яна қуруқ ҳолда келди. Йўқ машиналарни қаёқдан олсин?

— Машина қани? — сўради Илҳомжон.

— «Ласетти»ни беришга ҳожи отам унамади, — деди ҳижолатомуз тусда Бахтиёр. — Уй ҳужжатларини олиб дадамнинг олдига борсак, кўргач сизга пулни тўлиқ берар экан. Виталий билан бирга борсангиз бўлди.

Илҳомжон ичидан бўғилса-да, Бахтиёрнинг Ўзбекистон туманидаги хонадонига боришга рози бўлди. У яна алданаётганлигини билмас эди. Бахтиёрнинг отаси шу куни уйида йўқ эди. Кейин фермер хўжалигининг дала шийпонига боришди. Бахтиёр:

— Дадамни топиб келаман, — деганича кетиб, алламаҳалда бир ўзи қайтиб келди. — Дадам бир ўртоғи билан айтмасдан қаёққадир кетиб қолишибди.

Бу гапдан сўнг ўзини зўрға босиб турган Илҳомжоннинг фиғони фалакка чиқди:

— Сен мени кичкина бола қилма! — деди Бахтиёрнинг ёқасидан олиб. — Шунча алдаб, ўйнатганинг етар! Пулни топ! Бўлмаса сен билан бошқачасига гаплашаман! Бундай ўйинингни бошқа одамга қиласан!..

— Жон ака, эртагача муҳлат беринг, — ёлворди Бахтиёр. — Эртага пулни қилиб бермасам, нормардман!..

— Унда шунча пул борлигига ишонмайман, аҳволидан маълум, — деди қайтиб келишаётганида Виталий Илҳомжонга.

— Эртага охирги кун, — деб қўйди Илҳомжон унга жавобан — кўрамиз...

* * *

Кўнглидаги ёвуз ният анчадан бери ғимирлаб турарди. Илҳомжонда пул, давлат кўплигини билган, шу нарсалар унинг ўй-хаёлини ўғирлаган эди. Уни алдаб юриб, бирмунча содда, ишонувчан эканлигини билиб олди. Қандай бўлмасин, уй ҳужжатини текин қўлга киритишни ўйларди. 85 минг АҚШ долларини бор мол-мулки, уй-жойини сотса ҳам тўлай олмаслигини жуда яхши биларди. Бир иложини топмаса бўлмайди. Буёқда Ҳанифа хархаша қилиб турибди. Ундан ажралиб кетишни истамайди. У билан доимо бирга бўлиш учун эса Илҳомжонга уйнинг пулини топиб бериши керак...

«Ўлдираман, машинасида юрган уй ҳужжатларини оламан. Даланинг бир четида ўлдириб, кўмиб ташласам, ким билиб ўтирибди. Бўлмаса у мени йўқ қилади...» Миясини шундай ёвуз ният чирмаб олди. Лекин бир ўзи бу ишни эплай олмайди. Муқаддам судланган, уришқоқлиги билан ном чиқарган укаси Ихтиёрнинг кўнглига қўл солиб кўрди:

— Ука, Фарғона шаҳридаги Илҳом билан орамиздаги гапларни биласан. Мени тинч қўймаяпти. Ундан қутулишим керак.

— Қандай қилиб? — акасининг гапини оз-моз илғаётган Ихтиёр сўради.

— Тинчитиш керак! Агар унга эртага пулини бермасам мени қайтиб кўрмайсан, тушундингми?!

— Майли, — деди чуқурроқ ўйлаб кўрмасдан Ихтиёр, — ўлдир десангиз, ўлдирамиз. Мен ўзимга шерик топаман.

— Эртага уларни шу ерга чақираман, — деди Бахтиёр укасидан мамнун бўлиб, — кўрасан, ҳеч ким билмайди, тополмайди ҳам...

Ўткирбекнинг оиласидагилар дастурхон атрофига ифторлик қилиш учун эндигина ўтиришган эди. Кўчадан машина сигнали, бироздан сўнг эса «Ўткиржон», деган чақириқ овози келди.

— Сардор, қара-чи, ким келдийкин? — деб укасига буюрди Ўткирбек. У овозини оғайниси Ихтиёрникига ўхшатган эди. Адашмаган экан, укаси кўчага чиқиб келиб:

— Ихтиёр ака сизни чақиряпти, — деди. — Иши бор экан.

Ихтиёр «Комби-Москвич» машинасида ўтирган эди. Ўткир у билан сўрашди.

— Чиқ, иш бор, — деди унга Ихтиёр.

— Ифторлик қилаётган эдим, — деди норозироқ бўлиб Ўткирбек. — Ҳозир қанақа иш?

— Ўтир, кейин айтаман, — деди Ихтиёр кескинроқ оҳангда. — Қиз боламисан қўрққани.

Ўткирбек иложсиз Ихтиёрнинг ёнига ўтирди. Қанақа иш борлигини яна сўрамоқчи эди, Ихтиёр ўзи айтиб қолди:

— Оиламиз билан адоватлашиб юрган бир одам бор. Яна бирор соатдан кейин шу одам шийпонимизга келади. Ўшани бир қўрқитиб қўйишимиз керак. Ёнимда турсанг бўлди. Ҳар эҳтимолга қарши. Кўплашиб келишса, керак бўласан.

Ўткирбек «йўқ» дея олмади. Иложсиз, «бўпти», деди. Рози бўлмаса Ихтиёр тинч қўймаслигини биларди. Бунинг устига унинг қўл остида ишлаб юрибди. Фақат:

— Ким ўзи улар? — деб сўрашга ботинди, холос.

— Келганда кўрасан, — деди совуққина қилиб Ихтиёр.

Улар дала шийпонга етиб келишганида Бахтиёр шийпон ичидаги хонада, иккита шам ёруғида ўтирган эди.

(Давоми келгуси сонда).

**Маъсуджон МЎМИНЖОНОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.**
**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,**
**журналист**

# ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ

Самад кечки овқатни еб бўлмасидан, кўча эшик тақиллаб қолди. Оғайниси Холмат экан. Эндигина салом-алик қилишган ҳам эди, орқа кўчада яшовчи таниш йигитлар келиб қолишди. Улар ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришганда, кўча бошида машина кўриниб, нарироқда тўхтади-да, кўп ўтмай ўша томондан шовқин эшитилгандек бўлди. Кейин машина эшиги кескин очилиб, «гурс» этган овоз эшитилди. Тўпланганлар ҳайрон бўлганча ўша томонга қарашди.

— Тинчликмикан? — деди улардан бири.

Худди шу пайт машина турган томондан кимдир уларнинг ёнига югуриб кела бошлади. Йиғилганларнинг таажжуби янада ортди. Кимса уларга яқинлашганда эса уни кўриб қотиб қолишди. Рўпараларида бегона бир йигит қонига беланганча ҳарсиллаб турарди...

* * *

Ғоффор (исмлар ўзгартирилган) қўшниси Ҳамид ҳамда амакисининг ўғли Санжар билан Тошкентга иш қидириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ эди. Қандолатчилик корхонасига ишга жойлашиб, ижарага уй топишди. Озроқ ишлашди ҳам. Топган даромадлари кундалик харажатлари билан ижара ҳақидан ортмади. Нима қилишни билмай уйларига қайтишни ўйлаб туришганда Ғоффор бир таклиф киритиб қолди.

— У нима деганингиз? — Ғоффорнинг таклифидан чўчиганини яширмади амакиваччаси.

— Киракашлар осонликча пулларини бериб қўйишарканми? — унга қўшилди Ҳамид.

Уларнинг гапидан Ғоффорнинг жаҳли чиқиб деди:

— Нимага чўчийсанлар? Киракашларда пул кўп бўлади. Пичоқ билан қўрқитиб, қўл-оёғини боғлаймиз-у ёнидаги пулини оламиз. Қўрқмаларинг, ўлдирмаймиз.

— Ака, ўйлаб гапираяпсизми? Бировга пичоқ тираш осон ишми? Мен қаршиман.

— Қачонгача шунақа қилиб юрмоқчисан? Шунча юриб, эртага уйингга икки қўлингни бурнингга тиқиб бормоқчимисан? Бу ёққа келганингни ҳамма билади-ку, ахир! Қўрқма, сенлар ёнимда турсаларинг бўлди. Ҳамма ишни ўзим қиламан...

7 октябрь куни эрталаб «Қўйлиқ» бозорига йўл олган оға-инилар ошхонага кириб овқатланишгач, Ғоффор водийга, уйларига қайтиш учун машина гаплашгани кетди. Бироқ у ерга бормай бозорга кириб, учовидан йиғилган пулга арқон билан пичоқ сотиб олди. Шерикларининг ёнига келиб, машина кечки пайт бўлишини айтгач, ижарадаги уйларига йўл олишди. У ерда кечқурунгача бўлиб, энди йўлга тушмоқчи бўлишган ҳам эди, Санжар корхонада кўзойнаги қолиб кетганини айтиб қолди.

— Арзимаган кўзойнак деб энди овора бўлиб юрасанми? — энсаси қотди Ғоффорнинг.

— Эсдалик эди-да. Бўлмасам-ку...

Орадан кўп ўтмай Шимолий вокзал ёнида пайдо бўлган учовлон машина тўхтата бошлашди. Оқ рангли «Матиз» кўнгилларига ўтирди шекилли, Ҳамид ҳайдовчидан 1-сонли шаҳар касалхонасига олиб боришни сўради. Ҳақини келишиб, Ҳамид олдинга, Ғоффор билан Санжар эса орқа ўриндиққа ўтиришди.



Касалхонанинг ёнига етиб келишгач, кун совуқлигини баҳона қилиб, ҳайдовчидан маҳалла ичкарисига олиб кириб қўйишни илтимос қилишди. Ҳайдовчи рулни чапга бурди. Анча юришгач, Ҳамид машинани тўхтатишни сўради. Тормоз босилган заҳоти орқада ўтирган Ғоффор ҳайдовчининг бўйнига пичоқ тираб: «Жойингдан қимирлама. Пулингни чиқар», деди дағдаға билан.

Бундай бўлишини кутмаган ҳайдовчи, «борини бераман. Менга тегмасанглар бўлди» деб, ёнидаги пулини чиқарди. Ҳамид эса рулнинг олдидаги қўл телефонини олиб, чўнтагига солди.

«Иш»нинг енгил кўчаётганидан руҳланган Ғоффор шу заҳоти Санжарга буйруқ берди:

— Чўнтагингдаги арқонни олиб, қўлларини боғла.

Аммо Санжар буйруқни бажаришга улгурмади. У энди арқонни олган ҳам эди, ҳайдовчи Ҳамиднинг юзига мушт туширди. Шу пайтнинг ўзида бўйнига тиралиб турган пичоқ ўша жойни кесиб кетди. Санжар эса уни боғлашга ҳаракат қила бошлади. Аммо ҳайдовчи ҳам бўш келмасди. Буни кўрган Ғоффор узоқ ўйлаб ўтирмади-да, унга пичоқ урди. Елкасидан жароҳатланган ҳайдовчи чаққонлик билан иккинчи зарбага қўлини қўйиб қолди. Омади бор экан, пичоқ кўкрагига тегмай, қўлини кесиб кетди. У шундагина босқинчиларга бас кела олмаслигини ҳис қилди. Шунинг учун ёнидаги Ҳамидни бир тепдида, эшикни очиб, ўзини ташқарига отди. Ташқарига чиққач, кучи борича югура кетди. Бахтига сал нарироқда бир тўда йигитлар туришган экан. Уларнинг ёнига етиб келгач, йигитлардан бирининг қўл телефонини олиб, отасига қўнғироқ қилди. Воқеани эшитган отаси «тез касалхонага бор. Машинани ўйламагин. Мен ҳозир етиб бораман», деди жон ҳолатда. Ҳодисадан бохабар бўлган йигитлардан иккитаси ҳайдовчини зудлик билан касалхонага олиб боришди...

Бу пайтда ҳайдовчини ушлаш учун машинадан тушган Ғоффор бошлиқ «азамат»лар, у қочган томонда одамлар турганини кўриб, шу заҳоти шоша-пиша жойларига қайтишди. Машина шитоб билан ўрнидан қўзғалди. Рулни бошқариб бораётган Ғоффор уч юз метрлар юргач, машинани тўхтатиб, шу ерда қолдиришди-да, бошқасини кира қилиб, ижарадаги уйларига йўл олишди. Йўлда ҳайдовчидан олинган пулни санаб кўришса 12 минг экан. Уйга киришгандан кейингина Ғоффор ёнида паспорти йўқлигини сезиб қолди. У ёқ-бу ёқни қаради, ҳеч қаерда йўқ. «Ўша жойда тушиб қолган бўлса керак», деган хаёлда ухлашга ётишди. Тонг отмасданоқ машина қолган жойга бориб, қидириб кўришди. Топилмади. Шу куни кечки пайт машина кира қилиб водийга жўнашди. Эртаси куни эса уларнинг хонадонига милиция ходимлари кириб келди...

* * *

Жабрланувчи етказилган зарар тўлиқ қопланганини айтиб, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдирса-да, суд ҳайъати айбланувчилар билан гувоҳларнинг кўрсатмаларини батафсил ўрганиб чиқиб, судланувчиларга тегишли жазо тайинлади. Нимаям дердик, ҳар ким экканини ўради.

**Баҳодир ПЎЛАТОВ,**
**Шайхонтоҳур туман прокурори**


## Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбакилаштирилган дори воситалари — бу истеъмолчи саломатлиги учун жиддий хавфдир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмаслиги ёки аксинча таркибида зарарли, заҳарланиш ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. Қалбакилаштирилган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида беморнинг соғлиғи оғирлашса ёки ўлимга олиб келса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дорихона муассасаси раҳбари зиммасига тушади.

Сўнги йилларда қалбакилаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда, хусусан **«Ринза»** савдо белгиси остидаги қалбаки дорилар бунинг ёрқин далилидир.

2006 йилда **«Ринза» таблеткалари № 10** дори воситасининг 3 та қалбакилаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди. 2008 йилнинг февраль ойида эса қалбакилаштирилган **«Ринза»** таблеткаларининг умумий сони 9 тани ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги **«Ринза СИП»** эритиладиган кукун дори воситасининг қалбакилаштирилган 2 та серияси фош этилди.

**Қуйида қалбакилаштирилган**
**дори воситаларининг сериялари келтирилган:**
**«Ринза»** таблеткаси №10- серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013.
**«Ринза»** таблеткаси №4 - серияси 010807
**«Ринза СИП»** эритиладиган кукун 5 граммли пакетчаларда №5 серияда - L6137, B-6130 бўлади.

**ЭСИНГИЗДА ТУТИНГ!**

Қалбакилаштирилган **«Ринза»** дори воситалари кутилган самарани бермайди ва соғлиқ учун ўта хавфли. Қалбаки дори воситасининг сотилиши натижасида юзага келган барча нохушликлар учун дорихона муассасаси раҳбари жавобгардир.

Дорихоналарда **«Ринза»** дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификация тўғрисидаги маълумот, шунингдек касса аппарати чекини талаб қилинг. Дори воситаси қутисида кўрсатилган препарат серияси мувофиқлик сертификатида кўрсатилган серияга мослигини текшириб кўринг.

Агарда **«Ринза»** препарати ёрдам бермаса ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки **«Ринза»** қутисини, касса аппарати чекини **«Фармед» ХФ**га олиб келинг. Биз қалбакилаштирилган **«Ринза»** дори воситасини грипп ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи оригинал **«Ринза»** препаратига бепул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигингизни қадрлаймиз.

*Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари:*
*228-55-00, 228-55-66*

**Эҳтиёт бўлинг: қалбаки дори воситалари!**


# САНЪАТ МУЗЕЙИДАГИ ЎҒИРЛИКЛАР

**Одатда, детектив асарларда, кинофильмларда санъат музейларида содир этилган ўғирликлар бошида қандайдир йирик коллекционерлар ва уларга ёлланган профессионал жиноятчилар туришади. Аммо биз бугун баён қиладиган жиноятларнинг уларга умуман алоқаси йўқ.**

Пойтахтимиздаги Санъат музейи ўзининг бой экспонатлари ва бошқа жиҳатлари билан нафақат ҳамюртларимиз, балки чет эллик сайёҳларнинг ҳам диққатини ўзига жалб этиб келаётган масканлардан саналади. Миллий меросимизнинг муҳим қирраларини ўзида жамлаган мазкур музей том маънода халқимизнинг бойлиги, фахр ва ифтихоридир. Шу боис музейга келаётган зиёратчиларнинг, тарих ва санъат ихлосмандларининг қадами узилмайди.

Аммо мана шундай миллат ва давлат аҳамиятига молик муассасалар ходимлари орасида ҳам ўз манфаатини жамият манфаатларидан устун қўядиган, мўмай даромад топиш мақсадида ҳар қандай қинғир ишлардан тап тортмайдиган нусхалар учраб турар экан.

65 ёшли Эркин Аюпов салкам ўн йилдан буён Ўзбекистон давлат Санъат музейи директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келар эди. Вазифасига кўра унинг зиммасида муассасанинг бухгалтерия ва молия фаолиятига раҳбарлик қилиш, кадрлар масаласи, автотранспорт, омборхона ва хўжалик биноларига доир назоратни юритиш кирган. Кўриниб турибдики, Э.Аюповнинг лавозими етарлича масъулият талаб қилар, бироқ у ўзига топширилган вазифани масъулият эмас, даромад манбаи деб тушунувчилардан бўлиб чиқади.

Музейларда экспонатларни сақлашнинг тартиб-қоидасига кўра, талаб қилинган ҳароратдаги ҳаво айланишини таъминлайдиган совутгичлар тинимсиз ишлаб туради. Уларнинг мунтазам ишлаши учун эса фреон кимёвий моддаси зарур бўлади. Мана шу нарсадан мўмай пул топиш мумкинлигини «кашф қилган» Э.Аюпов 2004 йилнинг майида «Энергоком сервис» илмий-ишлаб чиқариш хусусий корхонаси директори Леонид Казаков, «Авеланта» хусусий фирмаси директори Евгений Кувакин ва терговда шахси аниқланмаган қандайдир «Клементий» исмли шахслар билан жиноий тил бириктириб, бюджет маблағларини талон-торож қилиш режасини ишлаб чиқади. Унга кўра Э.Аюпов музей директорининг ишончини суиистеъмол қилиб, 816 кг. «R-134-A» маркали фреон учун «Авеланта» фирмаси ҳисоб рақамига пул кўчиришга доир шартномани имзолатиб олади. Шу тариқа 8 млн. 568 минг сўм бюджет маблағи «Авеланта» фирмасига ўтказиб берилади. Энг қизиғи, ҳужжатларда келтирилган «R-134-A» маркали фреон суюқлиги музей совутиш машиналари учун умуман тўғри келмаслиги музей директорининг эътиборидан четда қолади.

«Авеланта» директори Евгений Кувакин музей томонидан ўтказиб берилган пулларни жиноий гуруҳнинг фаол аъзоси «Клементий» орқали нақдлаштиришга киришиб кетади. Жиноий келишувга биноан, нақдлаштирилган пулнинг 80 фоизи, аниқроғи 6 млн. 800 минг сўм Э.Аюповнинг чўнтагига келиб тушади. Э.Аюпов бу пулларнинг муайян қисмига яна ўша «Клементий» орқали арзонгаровга фреон сотиб олиб, музей омборхонаси мудираси Гулноза Маликованинг билимсизлиги ва вазифасига лоқайдлигидан фойдаланиб, совутгичларга нақд пулга сотиб олинган арзон фреонни қуйишади.

«Балиқ бошидан...» деган гап бежизга айтилмаган. Музей ходимлари ичида қонунбузарликда директор ўринбосари Э.Аюповдан қолишмайдиганлар ҳам анчагина экан. Хусусан, музейда 2001 йилдан буён бухгалтер вазифасида ишлаб келган Саяра Маликова директор ўринбосари Э.Аюпов, бош бухгалтер Лидия Карпова, кейинчалик унинг ўрнига келган Людмила Токарева, кассир Латофат Нишонова ва бошқалар билан тил бириктирган ҳолда бир қанча жиноятлар содир этиб келган. Яъни, мазкур жиноий уюшма расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш йўли билан 2001 йилдан 2007 йилнинг сентябрига қадар музей томонидан аҳолига хизмат кўрсатишдан тушган 23 млн. 45 минг сўм нақд пулларни банк муассасасига ўз вақтида ва тўлиқ топширмай, инкассация қилмаган.

Бундан ташқари, жиноий гуруҳ давлат Санъат музейи ва Россия Федерацияси Санкт-Петербург шаҳрида рўйхатдан ўтган «Восковые фигури» МЧЖ билан ҳамкорликда музей биносида ўтказилган кўргазмалардан, яна бир россиялик тадбиркор А.Грицайнинг анатомик препаратлари кўргазмасидан тушган умумий маблағнинг етти фоизинигина банкка инкасса қилишган. Натижада 26 млн. 900 минг сўм банк муассасасига инкассация қилинмаган.

Давлат ва халқ мулкига кўз тикканлар ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан Санъат музейига ин қурган қонунбузарларнинг ҳар бири қилмишига яраша жазо олишди.

**Тимур НОРМУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси катта терговчиси**



# Талваса

Исроил ИБРОҲИМОВ

**(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).**

«Цебо» туфлисига кўзи тушган Османали асабийлашди.

— Сиз неччи киясиз?

—Қирқ икки...

—Айнан ўзи! Шошилишда биттаси оёғингиздан ечилиб, қумга ботиб қолган, —дея Собиржон энди рўмолча билан стол остидаги туфлининг чап пойини олди. — Бунисини уйингиздан топдик.

— Ахлатни чиқариб ташламабдида, ифлос! — Османали хотинини чангитиб сўкди. Сўнгра ҳаммасини бир бошдан айтиб берди.

— Шукрулло боксчи эди. Оғир вазнда вилоят чемпиони ҳам бўлган. Кейинчалик ичкиликка берилиб, спортниям, ишиниям бахридан ўтди. Ҳайбатли келбати унча-мунча одамни шаштидан туширарди. Қиморда жанжал ҳам чиқади. Шукруллога менинг тарафимни олиб юрасиз, дедим. Кўнди. Чўтал бериб турадиган бўлдим. Бора-бора чўталга қаноат қилмай қўйди. Тенг шерикман, деб оёғини тираб олди. Айтганимга кўнмасанг, сирни очаман, деди. Ошиғимнинг бир тарафига билинмайдиган қилиб, жиндай темир бўлагини қўйганман. Бошланишида ютқизсам ҳам ўйин авжига чиққанда, мен ошиқ отишимдан аввал шолча тагидаги тугмачани ҳеч кимга сездирмай босаман. Ертўладаги чироқни ёндираман. Ўғлим магнитни пол остига ёпиштириб қўяди. Кетма-кет ютавераман. Шериклар омадим юришаётганига ишониб, гап-сўзсиз тиккан пулларини қўлимга тутқазишади. Биронтаси ғингший бошласа, ёнимда ўтирган Шукрулло йўталиб қўяди. Шунинг ўзи кифоя... Хуллас, тенг шерикликка кўндим-у, юрагим ғаш. Васвасага тушиб қолдим: мастлигида валдираб қўйса, тамом, қиморбоз шериклар уйимга ўт қўйишади. Касалхонада ётиб ундан қутулиш йўлларини ўйладим. Ўша куни кечаси ҳеч кимга сездирмай шифохонадан чиқиб, уйимга бордим. Шукруллони телефонда чақирдим. Пиёласидаги арожқа уйқу дори ташладим. Чўзилиб қолгач, болтада бошини мажақладим. Ўғлим билан бир амаллаб машинада қум барханларига обордик. Кучим етганда ит ҳам искаб топмас хилватга оббориб, ўт қўярдим. Йўл бўйидаги барханга зўрға судраб чиқдик... У ёғи ўзингизга аён...

— Унутиб қолдирган бензин идиши билан бир пой туфлини олгани қайтиб бордингиз?

— Афсус, туфлини қидириб топишга фурсат йўқ эди... Тонгга яқин билинтирмай палатамга кирволдим...

Ўшанда суд қотил қиморбозни олий жазога хукм қилган эди. Эҳтимол, бу куйган жасад ҳам кимнингдир жон суғурар сиридан воқиф бўлиб қолгандир? Гўё, ўзига ўт қўйгандай таассурот туғдириб, шу йўл билан ундан қутулишгандир? Бироқ, бу тахминнинг яқинига йўлайдиган бирон-бир из, далил йўқ.

Агар машина марҳумга тегишли бўлса, техпаспортига кўра исм-шарифи Ниёзали Ўтбосаров эди. Ўша куниёқ Собиржон ЙХХ вилоят бошқармасининг компьютер заҳирасига киритилган керакли маълумотларни сўраб олди. Автомобил эгаси ўттиз икки ёшга кирган. Тадбиркор. Янги «Нексия»ни икки йил аввал сотиб олган. Фарғона шаҳрининг Ўриксор кўчасида яшаган.

— Ниёзали шу уйда турадими?

— Мен Ниёзали, — терговчини «марҳум»нинг ўзи қарши олди. — Тинчликми? Танимай турибман?

Собиржон Аслонов гувоҳномасини кўрсатди.

— Қора «Нексия»нгиз қани? — сўради сўриток остидаги ёзлик столга ўтирганларидан кейин.

— Укам Номозали бир-икки кунга бериб туринг, зарур иш чиқиб қолди, деб миниб кетган.

— У алоҳида турадими?

— Кўплашиб янги чекдан ҳовли обберганмиз.

— Нима иш қилади?

—Ўқитувчи эди. Жисмоний тарбиядан дарс берган. Мактабдан кетиб, бозорда ул-бул олиб сотиб тирикчилигини ўтказяпти.

— Уйланганми? Хотини, бола-чақаси...

— Биринчиси билан ажрашган. Иккинчисидан битта ўғли бор. Беш яшар. Хотиниям бозорчи... Нима гап ўзи? Қамаб қўйдиларингми? Тағин нима иш кўрсатди?

— Аввалам қамалганми?

— Йўқ, лекин нари-бери бўлиб... Айтаверинг гапнинг индаллосини.

«Ҳозир айтсам, мурда бошқа биров бўлиб чиқса, Номозали уйида оёғини узатиб ётган бўлса...»

— Битта эгасиз қора «Нексия» топилган. Бугун кеч бўлди, эртага укангиз билан, уни қидириб тополмасангиз, ўзингиз менга учранг, — деб хайрлашди Собиржон Аслонов.

Номозали Ўтбосаров бир неча йил аввал босқинчилик жиноятида гумонланиб ушланган, бироқ айбсиз деб топилган бўлса-да, ИИБ маълумотлар заҳирасида унинг бармоқ излари сақланган эди. Солиштирилганида, «Нексия»даги бармоқ изларига мос тушди.

Икки кун укасини ахтариб, танишбилишларидан суриштириб тополмаган Ниёзали терговчига учради.

— Эҳтимол у эмас, бошқа бировдир, деб сизни авайлагандим, — деди Собиржон кабинетида, қаршисида ҳамон умидвор бўлиб ўтирган йигитга. — Укангиз ўзига ўт қўйиб ўлган... — терговчи бироз сукут сақлаб унга синовчан тикилди. Унинг кўзларига ёш қалқиди. Кап-катта одам унсиз йиғламоқда эди. — Эсингизда бўлса, марҳум укангиз битта ишда гувоҳ бўлиб ўтган. Улфати Шодиқул Уллиев етти йилга кесилган. Амнистияга тушиб, беш ярим йилда озодликка чиққан. Уч ой аввал қайтиб келган. Уни йўқлаб борганмисизлар ёки укангизнинг ўзи кўрдим, гаплашдим, деб айтмаганми?

— Шодиқулни хушламайман, — Ниёзали ўзини қўлга олди. — Номозалига ҳам ундан нарироқ юр, деб тайинлаганман. Ўғривачча билан кўришган бўлсаям, менга индамаган... Ҳозир ўзига ўт қўйган дегандиз. Энди... нима, уни ёндиришган деб ўйлаяпсизми?

— Ўзини ўлдиришига арзирли сабаб кўрмаяпман. Сўраб-суриштирдик. Топиш-тутиши ёмон эмас. Қимор ўйнамаган. Беъмани юрмаган. Томоғигача қарзга ботмаган. Оиласи тинч. Хотини — Шоҳсанам баъмани, юзини ерга қаратмаган. Балки, кимдир қўрқитиб ёки шантаж йўли билан ўз жонига қасд қилиш даражасига етказгандир?

— Охирги пайтларда кўзига бир балолар кўринадиган бўлиб қолган, — деди Ниёзали. — Бир ҳафтача бурун ёрилди менга. Ўғлини биров катта ариққа ташлаб юборганида қутқаришга улгурибди. Келин кейин айтди: боланинг ўзи ўйинқароқлик қилиб, ариққа сирғаниб йиқилган экан... Руҳшунос докторга оборай десам, кўнмади.

«Шоҳсанамнинг гапларига мос тушяпти», ўйга толди терговчи. «Сўнгги кунлари ҳаловатини йўқотган, тунларни бедор ўтказган, овоз чиқариб ўзи билан гаплашган. Балки ғойибона ҳамсуҳбати Шодиқулдир?»

Собиржон Аслонов архивдаги назорат ишини сўраб олди. Дастлабки сўроқда гумонланувчи Шодиқул Номозали билан бирга эдик, деган. Сўнгра, бу гапидан тониб, ҳамма айбни ўзининг бўйнига олган. Гўё бир ўзи бой хонадонга тунда, ҳеч зоғ йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, ўғирликка кирган. Бироқ, бехос хонадон эгаси «Нексия» машинасида ортига қайтган. Шодиқул даҳлизда тўсатдан қорнига пичоқ тиқиб қочган. Хонадон эгаси ўлмай қолган. Унинг айтишича, босқинчи салкам ўн миллион сўмлик тилло, бриллиант тақинчоқларни, бир миллион сўм пулларини ўмариб кетган. Бироқ Шодиқулнинг, сўнгра отасининг уйи тинтув қилинганида ҳеч нарса топилмаган. Гумонланувчи тарзида ушлаб турилган, кейин қўйиб юборилган Номозалининг уйидан ҳам ҳеч нарса чиқмаган.

«Демак, Шодиқул ўғирлаган буюмларини Номозалига ишончли жойга яшириб қўйишни буюрган», хулоса чиқарди Собиржон. «Жазони ўтаб қайтгач, ундан ҳаммасини келтириб беришни талаб қилган. Бироқ Номозали тақинчоқларни аллақачон пуллаб, ҳовли уй сотиб олган!»

Қаршисида бамайлихотир ўтирган Шодиқул «чексам майлими?» деб сигарет тутатди.

— Нима гап, начальник? Ҳа-я, эски усул, шаҳарда нима иш бўлса, осони, ўтириб келганларнинг бўғзига ёпишасиз! Осонгина бўйнига илиб, яна «курорт»га тиқиб қўясиз!

— Номозалининг... таъзиясига боргандирсан?

— Қулоғимга чалингандай бўлди. «Бир пайтлар улфат эдик, қутулиб кепсан», деб уйимга йўқлаб боришга ярамаган одамнинг таъзиясида нима қиламан!?

— Лекин, кўришгансизлар, гаплашгансизлар, гувоҳлар бор!

— Кўчада, шунчаки салом-алик...

—Гап орасида тилло тақинчоқлар, бриллиантлар...

— Нималар деяпсиз, начальник? Э, ҳалиги ишми? Ярамас бойвачча ўзини тарозига солди-да. Битта тилло узугу, балдоқни юзта эди, деб бўйнимга илди!

— Бўпти, бугунча авахтада ёта тур!

—Бекордан-бекор... Нима ҳаққиз бор?

— Мана, имзо чек!

Келаси куни Собиржон Аслонов гапни чўзмай, столининг устидаги магнитофон тугмачасини босди.

«— Короче, уч кун муҳлат, уйимга оббориб бермасанг, ўзингга қўшиб хотининг билан ўғлингни ҳам чавақлайман. Сўраб билдим, ҳозирги пулга чақадиган бўлсак, эллик миллионга боради. Биламан, бунчани эплаб беролмайсан. Йигирма миллионга розиман!

— Қатдан оламан? Ҳозир чавақлаб қўяқол!

— Уйингни сот! Ёки гаровга тикиб қарз топ! Уруғингнинг бари бойвачча!..»

Собиржон магнитофонни ўчирди.

— Касетта уйингдан топилди. Тузукроқ яширмабсанам. Ҳайронман, шантаж қилган одаминг ўлиб кетди, нега кассетани асраб юрибсан?

— Э йўқ, начальник! Бу гаплар ҳеч нарсани исботламайди... Мени даҳлим йўқ, мен ўт қўймаганман. Тўғри дўқ урдим, ҳаққимни талаб қилдим...

— Олти йил аввал бойваччаникига ўғирликка кирганингда Номозали кўчада пойлоқчи бўлиб турган. Бойвачча тирик қолганини эшитиб, қамалишингга кўзинг етган. Яшириб қўй, деб ўзингнинг улушингни ҳам унга элтиб бергансан. Шу сабаб, уни оппоқ кўрсатиб, бари айбни зиммангга олгансан. Бир кун қамоқдан қайтсам, тақинчоқларни икки қўллаб топширади, дея узоқни кўзлагансан. Аммо... Бераверма-гач, алдаб қир орасига бошлаб бориб, тириклай ўт қўйгансан!

— Буниси энди туҳмат, начальник! — илжайди Шодиқул. — Бу моддани илолмайсиз! Номозали битта машина бор, сотиб ярмини тўғрилаб бера турай, қолганини кейинроқ, деб ялинди. Кўндим. Машина бозорида кўришадиган эдик. Бормади... Ўйлаб кўринг, тентакмидим, уни тинчитиб, йигирма миллиондан айриладиган!..

Дарҳақиқат, бу мантиққа зид эди. Аслида, Номозали акасининг «Нексия»сини пуллаб «қарзи»нинг бир қисмини узмоқчи бўлгану, сўнгги дақиқаларда юраги дов бермаган. Ниёзалининг машинасини ўғринча сотиб юбориб, қариндош-уруғ, таниш-билишлар орасида бош кўтариб юра олмаслигига ақли етган. Бир кун эмас бир куни пешонасига қотил ва босқинчининг шериги, деган тамға урилишини ўйлаб руҳи баттар эзилган. Ниҳоят, Шодиқул хотини, ўғлини соғ қўймаслиги ҳақидаги ўй юрагини тилкалаб, эс-ҳушини ўғирлаган. Ана шундай, руҳшунослар тили билан айтганда «аффект» — талваса ҳолатида ўзига ўт қўйган.

Терговдаги каби судда ҳам Шодиқул Уллиев бир пайтлар ҳамтовоқ бўлган улфатини ўзини ўлдириш даражасига етказганига иқрор бўлди.

Ўрик пишиб етилмай, ғўрлигича узилди.

## Эълон

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан «Тошкент Замонавий Университети»нинг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги ҳолати бўйича қўзғатилган жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Мазкур жиноят оқибатида моддий зарар кўрган ёки «Тошкент Замонавий Университети»га ҳужжатларининг асл нусхасини топшириб, ҳозирги кунга қадар прокуратура органларига мурожаат этмаган шахсларни, фуқаролик паспорти ва ишга алоқадор бўлган барча ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бошқармасига мурожаат этишини сўраймиз.

***Манзил:** Тошкент шаҳар, Я.Ғуломов кўчаси, 66-уй.*

***Маълумот учун телефонлар:** 8-(371) 236-11-29, 236-11-15*

## *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Бош прокуратура ва Жиззах вилоят прокуратуралари жамоалари вилоят прокурори Пўлат Бобожоновга падари бузруквори

**РАЗЗОҚ ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жиззах вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

**Шодмон УМРҚУЛОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

**Huquq** yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: **Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati: **Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV** *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, **Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV** *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: **Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

**Telefon:** 233-98-82, 233-10-53.

**E-mail:** huquq97@mail.ru

**Faks:** 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma **Г — 455. 21 933** nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **Z.MAMADALIYEV**

Musahhih: **A.MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — **231**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 19.30 1 2 3 4 5 6 7 8